



## “Маҳалла бюджети”ни кўпайтириш ва тадбиркорга кўмак бўлиш — устувор вазифадир!

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ФАОЛИЯТИГА ОИД ТАВСИЯЛАР

(Еттинчи мақола)



**Б**угун маҳаллалардаги ҳар бир солиқ тўловчи — давлатимиз химоясида. Мамлакатимизда яратилган муштарак янги солиқ тизими аҳолига тадбиркорлик билан шугулланиш, қонуний фаолият юритиб, ўзи ва оиласини даромадли қилиш имкониятини беришти. Айниқса, ҳозирда маҳаллаларга бириктирилган солиқ инспекторлари нафақат ҳудуд бўйича солиқ тушумларини ошириш билан, балки ана шу шиятдаги фуқаролар ва тадбиркорлар муаммоларини аниқлаб, уларни ечиш билан шугулланишти.

Дарҳақиқат, янги Ўзбекистон даврида давлат раҳбари солиқ сиёсатида туб бурилишларни амалга оширди. Янги Солиқ кодекси қабул қилиниб, тўғридан-тўғри қўлланивчи нормалар жорий этилди. Солиқлар сони 13 тадан 9 тага камайтирилди. Мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 1,5 фоизга, қўшилган қиймат солиғи 20 фоиздан 12 фоизга туширилди. Натижада тадбиркорларнинг ислохотларга ишончи ортиб, солиқ тушумлари 4 баравар кўпайди. Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар сони 6 мингдан 183,2 мингга етди.

Яратилган барча имкониятлар замирида ягона ғоя мужассам: тадбиркор бой бўлса, давлат бой бўлади, аҳолининг турмуш фаровонлиги ортади. Президент таъкидлаганидек, солиқ юкини камайтириб, тадбиркорларнинг эмин-эркин, ҳалол ишлашини йўлга қўйиш керак. **Солиқчилар жазоловчи эмас, кўмакчи бўлиши керак.**

Давоми 2-, 3-саҳифаларда.

**БИЗ БИР БЎЛСАК — ЯҒОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!**

УЮШМА КУНДАЛИГИ

НУҚТАИ НАЗАР

## Ёшлар эътибордан четда қолмайди



Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди. Унда маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар таҳлил қилинди.

Ёшлар ижод саройида ўтказилган йиғилишда Республика комиссияси раиси Қаҳрамон Куронбоев, ўринбосарлар, комиссия аъзолари ва Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти, Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, “Ёшлар - келажгимиз” жамғармаси масъуллари иштирок этди.

Давоми 2-саҳифада.

## Оталарнинг одил сўзи оилаларни асраб келган...

Маҳалла тизимида икки йилдан бери фаолият юритилган. Йиғилишимиз жипоятчилик ва ажраллишлардан ҳоли ҳудуд, ўтган йилги ҳар икки ҳолат бўйича “яшил” тоифага кирганмиз. “Еттилик” вакиллари ҳамжиҳатликда фаолият юритганимиз. Йил бошида 88 нафар ишсиз фуқаро рўйхатга олинган бўлса, ҳозирча 67 нафарини ишлаш қилдик. Қолганлари билан манзилли ишляяшимиз.

Ўзим узоқ йиллар ФХДЁ тизимида меҳнат қилганман. Шунинг учунми, маҳалла ишига киришиб кетиш, оилалар билан ишлаш қийинчилик туғдирмади. Фаолиятимизда ҳар қандай муаммоли масалани оиланинг ичиде ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Яъни ишсизлик, нотинчлик, қандайдир рухий тушкунлик ҳолатларида оилалар билан индивидуал ишлаб, ечимини топишга интиламиз.



Давоми 2-саҳифада.

## Жиззахда 13 та сервис компанияси иш бошлайди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Куронбоев иштирокида маҳалла сервис компанияларини ташкил этиш бўйича семинар-йиғилиши ўтказилди. Унда Жиззах вилоятида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.



ЖАРАЁН

**Й**иғилишда Уюшма масъуллари, Уюшманинг Жиззах вилояти бошқармаси, шаҳар, туман бўлимлари раҳбарлари, маҳалла раислари ва тадбиркорлар иштирок этди. Жиззахда намуна сифатида дастлаб шаҳар ва туманларда биттадан, жами 13 та ҳовли жойли маҳаллада сервис компаниялари ташкил этиш белгиланган. Йиғилишда бу борадаги тайёргарлик жараёнлари, вазифалар ижроси бўйича ҳисоботлар тингланди. Муаммолар ечимини юзасидан тақлиф-мулоҳазалар билдирилиб, сервис компаниялари раҳбарларига фаолиятни ташкил этиш бўйича тавсиялар берилди. Қаҳрамон Куронбоев Жиззах шаҳрида жойлашган “Қалия” маҳалла биноси ва ушбу ҳудуддаги сервис компаниясини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан таништи. “Маҳалла сервис компанияси” фаолиятини самарали йўлга қўйиш, маҳаллада фаолият олиб борадиган ходимлар учун муносиб шароит яратиш масаласи муҳокама этилиб, қилиниши керак бўлган ишлар режалаштириб олинди.







Нурали Жўраев  
Навоий вилоятининг  
ҲОЗҒОН ШАҲРИ  
ҲОКИМИ вазифасига  
тайинланди.



Комилжан Айтбаев  
Қорақалпоғистон  
Республикасининг  
ТАҲИАТОШ ТУМАНИ  
ҲОКИМИ бўлди.



Ахрор Мансуров  
Наманган вилоятининг  
МИНГБУЛОҚ ТУМАНИ  
ҲОКИМИ сифатида  
иш бошлади.

ТАЖРИБА, ТАКЛИФ, ЕЧИМ

# Экспортни йўлга қўйсак, даромад ҳам кўпаярди

Худуднинг асосий “драйвер”и — анончилик. Соҳада ўзига хос мактаб яратилган. Аммо аҳоли етиштирган маҳсулотнинг асосан, ички бозорда сотади.

Кўннинг Қашқарё, Самарқанд вилоятга тадбиркорларни биздан насияга олиб, хорижга экспорт қилади. Натияжада фойдани улар кўрипти. Ҳатто ўтган йилги ҳосил нўлини ололмаган деҳқонлар бор. Шу жиҳат мен кўп ўйлангирди. Нега анончи ўзимиз экспорт қила олмаймиз? Қайта ишлаш корхонаси куриб, хомашё эмас, тайёр маҳсулот шаклида сотсак бўлмаймиш?



Шариф РЎЗИҚУЛОВ,  
Шеробод туманидаги  
“Хўжакия-1” маҳалласи  
ҳоким ёрдамчиси.

Албатта, бўлади. Бунинг учун худудда марказлашган мажмуа куриш керак. Шу ерда маҳсулот қайта ишланса ва хорижга сотилса, деҳқоннинг кўли пул кўради. Мана шу каби кооперация ташкил этиш учун тадбиркор тақлиф билан чиққан. Унга 5 гектар ер майдони керак бўляпти. Тақлиф юзасидан туман ҳокимлигига мурожаат қилганман. Мутахассислар мурожаатимни кўриб чиқмоқда. Агар ижобий ҳал этилса, “ўзиш нуқта” миз янада ривожланади.

Анончиликдан ташқари, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш йўналишида тадбиркорликни ривожлантиришга ургу беряпмиз. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида Икромжон Жўраевга имтиёзли кредит ажратдик. Натияжада қолипчи курилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Тўртта янги иш ўрни яратди. Маҳаллада асаларчилик иккинчи “драйвер”га айланган. 30 дан ортиқ хонадонда асалари парваришланяпти. Абдумурод Зоиров ёшлигидан асаларчиликка қизиқади.

Севишли машғулотни бугун оилавий бизнесга айланди. Икки йил олдин 33 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига 15 қути асалари сотиб олганди. Ҳозир уларнинг сони 50 қутига етди. Бир йилда ўртача 5-6 марта хосил олади. Умумий миқдорда 1,5 тонна асал 80-90 минг сўмдан сотилиб, ўртача даромад 120 миллион сўмни ташкил этмоқда.

2022 йилдан ҳозирги вақтгача оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури асосида иссиқхона йўналишида 25 нафар, паррандачилик бўйича 10 нафар, асаларчиликда 21

нафар фуқарога амалий ёрдам кўрсатилди. 25 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. 308 нафар юртдошимиз доимий ишга жойланди. 580 нафари ўзини ўзи банд қилди.

Ақсарият тадбиркорлик йўналишларини йўлга қўйиш учун 33 миллион сўм камлик қилмоқда. Мисол учун, қолипчи курилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошлаган Икромжон Жўраевга 70 миллион сўм керак бўлди. Шу сабабли аҳоли имтиёзли кредит физини камайтириш, миқдорини ошириш тақлифини билдирмоқда. Агар бу амалга ошса, тадбиркорлар сафи янда кенгайди.



Фаррух РИЗАЕВ,  
Каттакўғон шаҳридаги “Яккабоғ” маҳалласи  
ҳоким ёрдамчиси:

— “Маҳалла еттилиги” ходимлари ҳамкорлиги йўлга қўйилган, тизим марказлашди. Айниқса, эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш, ишсизлар бандлигини таъминлашда энди уларнинг тавсияси билан кредит ва субсидия ажратилмоқда.

Аммо айрим ҳолларда кредит олган ишсиз ёки эҳтиёжманд фуқаро вақтида тўлай олмапти. Чунки физи банд ҳамда муддат жуда қисқа. Тақлифим — кредит муддатини узайтириш, физиини камайитириш керак. Узоқ муддатли кредит ажратилиши аҳолини камбағалликдан чиқаришга катта туртки беради.



Ахрор Мансуров,  
Наманган вилоятининг  
Мингбулоқ тумани  
ҳокими сифатида  
иш бошлади.

Шунингдек, юқоридаги моддада биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга айрим истиснолар белгиланган. Масалан, ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан 30 кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаб, тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиб, рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш, жавобгарликдан озод этилади. Ҳуқуқбузарлик ашёлари мусодара қилинмайди.

## МЕНДА САВОЛ БОР...

Шухрат СУЛТОНОВ,  
Ғулистон туманидаги  
“Аҳиллик” маҳалласи:

— Хонадонимда савдо дўкони очиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишим учун давлат рўйхатидан ўтишим керакми? Агар давлат рўйхатидан ўтмасам, қандай жавобгарлик белгиланган?

## «ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТМАСДАН ТАДБИРКОРЛИК ҚИЛСАМ...»



Исломжон АБДУРАҲМОНОВ,  
“Мадад” НТТ ижрочи  
директори ўринбосари:

— Бу саволга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-моддасида жавоб берилган. Унга кўра, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга ошириш — ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, юқоридаги моддада биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга айрим истиснолар белгиланган. Масалан, ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан 30 кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаб, тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиб, рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш, жавобгарликдан озод этилади. Ҳуқуқбузарлик ашёлари мусодара қилинмайди.

БИЛИБ ОЛИНГ!

## ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАНЛАРГА ҚАНЧА ОЙЛИК ДАРОМАД ҲИСОБЛанаДИ?



Наврўбек НОРМАМАТОВ,  
Юнусобод туманидаги “Мингчинор” маҳалласи.

— Ўзини ўзи банд қилганларнинг норматив даромади қандай аниқланади? Агар моддий ёрдам олмакчи бўлса, даромади қанчага тенглашган?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,  
Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
“Мадад” НТТ ҳуқуқшуноси:

— Ўзини ўзи банд қилганлар — ўз ишини ўзи топиб, уни ўзи бажариш орқали даромад кўрайдиган жисмоний шахслар.

Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган низомда бу фуқароларнинг даромадини аниқлашда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараварига тенг бўлган бир ойлик ўртача норматив даромад қабул қилиниши белгиланган. Айни пайт бу маблағ 2 100 000

сўмини ташкил этади. Демак, ўзини ўзи банд қилган шахс фаолияти натижасида ҳар ой мана шунча даромад топаётган ҳисобланади. Моддий ёрдам учун аризида кўриб чиқилаётганда унга шу суммада ойлик маош белгиланади.

Ўзини ўзи банд қилган шахс ўз хизматлари учун тўловларни нақд пул билан — назорат-касса техникисидан фойдаланган ҳолда ёки ҳар қандай мобил тўлов тизимлари орқали қабул қилиши мумкин.

Уларда ҳужжат айланишини юритиш бўйича мажбуриятлар мавжуд эмас. Ҳисобот топширишмайди, ўз даромадлари ва тушумларини ҳужжат билан тасдиқлашлари шарт эмас.

### Ҳоким ёрдамчиси минбари

Худудлардаги ҳоким ёрдамчиларининг ташаббус, тақлиф, тажрибасини аке эттиришга қаратилган лойиҳамиз давом этади. Бу галги манзил — Самарқанд вилояти.

## “Кредит физи банд, муддати қисқа”



Фаррух РИЗАЕВ,  
Каттакўғон шаҳридаги “Яккабоғ” маҳалласи  
ҳоким ёрдамчиси:

— “Маҳалла еттилиги” ходимлари ҳамкорлиги йўлга қўйилган, тизим марказлашди. Айниқса, эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш, ишсизлар бандлигини таъминлашда энди уларнинг тавсияси билан кредит ва субсидия ажратилмоқда.

Аммо айрим ҳолларда кредит олган ишсиз ёки эҳтиёжманд фуқаро вақтида тўлай олмапти. Чунки физи банд ҳамда муддат жуда қисқа. Тақлифим — кредит муддатини узайтириш, физиини камайитириш керак. Узоқ муддатли кредит ажратилиши аҳолини камбағалликдан чиқаришга катта туртки беради.

## “ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН МАБЛАҒ АЖРАТИЛМАЯПТИ”

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,  
Булунгур туманидаги “Каптархона” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси:

— “Кичик бизнесни ривожлантиришнинг молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори асосида йирик тадбиркорлик лойиҳаларини ишга тушириш осонлашди. Бироқ мазкур жараёнда айрим мураккабликлар кузатилмоқда. Ҳужжатлар тайёрлашда нотўғри талаб учрамоқда. Масалан, ўз уйида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорлик субъектидан ижара шартномаси сўралмоқда. Буни қандай тушуниш мумкин? Фуқаро ўзи билан ўзи шартнома тузиши керакми? Мана шу каби жиҳатларни

қайта кўриб чиқиш, кредит ажратиш тартибини осонлаштириш керак.

Негадир қарор доирасида қишлоқ хўжалиги учун маблағ ажратилмаяпти. Бир неча талабгорлар тақлифи ҳозирча молиялаштирилмади.

Яна бир тақлифим — оилавий тадбиркорлик дастури доирасида нақд пул шаклида бериладиган кредит миқдорини кўпайтириш керак. Тартибга кўра, 10 миллион сўмгача нақд пул олиш мумкин. Шунинг 30 миллион сўмгача оширилса, самарадорлик ортади. Бундан ташқари, йўл ёқасидан кўчма савдо дўкони куриш учун аукцион орқали ер ажратиш, субсидия бериш тартиби ҳам соддалаштирилиши лозим.



Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,  
Булунгур туманидаги “Каптархона” маҳалласи  
ҳоким ёрдамчиси:



Ўзбекистонга 2024 йилнинг январь-июнь ойларида 65 минг нафар чет эл фуқароси ТИЖОРAT МАҚСАДИДА ташир буюрган.



Ўзбекистоннинг ДОИМИЙ АҲОЛИСИ СОНИ 2024 йил 5 август ҳолатига кўра, 37 миллион 201 минг 077 нафарга етди.



Хитой компаниялари билан Ўзбекистонда чиқиндилардан энергия ишлаб чиқариш бўйича МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ.

# “Давлат хизматлари маҳаллада кўрсатилса...”

ТАКЛИФ

БИЛАСИЗМИ?



Хасанбой БАХТИЙБОВ, Сардоба туманидаги “Дўстлик” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Аҳолининг тенг ярми ёшлардан иборат. Хатловда аниқланган 1 536 нафар йигит-қизнинг 56 нафари ишсиз сифатида рўйхатга олинган. Ўтган вақт мобайнида 14 нафарига субсидия, 37 нафарига узоқ муддат фойдаланиш учун ер ажратилди.

Оталиққа олинган ва “оғир” тоифадаги ёшлар билан ишлаш бўйича тажрибамиз туманда оммалаштирилган. Йил бошида аниқланган 19 нафар оғир тоифадаги ёшларнинг 14 нафари вилоят ҳокимлигига, 5 нафари туман камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимига бириктирилган. Дастлаб ҳар бирининг қизиқиши, имконияти, муаммоси ўрганилди. Индивидуал дастур асосида амалий кўмак берилди.

Ишсиз ва пробацияда рўйхатда турган Дилшод Владимирова томорқа сервис йўналишида мотокультиватор ажратилди. Бугун бу йигит аҳоли томорқасига хизмат кўрсатиш орқали кунига 500 минг сўм даромад топмоқда.

Профилактика назоратида турган Сарвиноз Отабоева қизиқиши бўйича субсидия ҳисобидан тикув машинаси олиб, тикувчилик йўналишида ўзини ўзи банд қилди. Ойига 2 миллион сўм фойда кўрмоқда.

Оғир тоифадаги ёшлардан яна бири — Аҳлиёр Холбўтаев. У субсидия орқали берилган пайвандлаш ускунаси, бурчакни силликлаш машинаси ёрдамида ҳудуддаги 37 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатмоқда.

2024 йил бошида Президент бошчилигида ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йўналишида 4 миллион нафар ёшларни 4 та сектор кесимида 6 та ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа органларига оталиққа бириктириб, янгича йўналишда ишлаш тизими белгиланган. Шу тартибга кўра, маҳаллада яшовчи 480 нафар йигит-қизни Мудофаа бўлими оталиққа олган. Бугунгача 12 нафарига субсидия ажратилиб, 70 нафарига 50 сотихдан ер берилди. 6 нафари ўзини ўзи банд қилган бўлса, 7 нафари имтиёзли кредит олди.

Нуриддин Қозоқбоев ишсиз сифатида оталиққа



Ер олган ёшлар “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида қовун экканди. Айни пайт ҳосил даромадга кирди. Тахминий ҳисоб-китобга кўра, 50 сотих ердан ҳар бир ёш 15 миллион сўм даромад кутяпти.

олинган. У 33 миллион сўм кредит ҳисобига наввойчилик ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. 4 нафар тендошини иш билан таъминлади.

Ер олган ёшлар “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида қовун экканди. Айни пайт ҳосил даромадга кирди. Тахминий ҳисоб-китобга кўра, 50 сотих ердан ҳар бир ёш 15 миллион сўм даромад кутяпти.

Шу ўринда маҳалла ёшларини қийнаётган масалаларга тўхталмоқчиман. Аввало, туман марказидан

30 км. узоқда жойлашганимиз учун давлат хизматлари кўрсатишда муаммо кузатилади. Бунга ечим сифатида оталиққа олинган ёшлар вакили Дилшод Баҳромов маҳаллада “Ягона дарча” филиали ташкил этиш таклифини берди.

Бундан ташқари, ҳудудда ёшларни спорт билан шуғулланиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун мажмуа йўқ. Шу боис 22-мактабга спорт зал ҳамда маҳаллага ўйингоҳ қуриш таклифини билдирмоқчиман.

# Тадбиркорликка қизиқиш бор, АММО ЖОЙ МУАММО

ТАЖРИБА

МАҲАЛЛАДА ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ СИФАТИДА ФАОЛИЯТИНИ 2022 ЙИЛДА БОШЛАГАНМАН. ДАСТЛАБКИ КУНДАН ЎТКАЗГАН ХАТЛОВДА МАКТАБ БИТИРУВЧИЛАРИ ТАҚДИРИГА АЛОХИДА ҚИЗИҚАНМАН. ВАЗИЯТ ЖУДА АЧИНАРЛИ ЭДИ. 74 НАФАР БИТИРУВЧИНИНГ АТИГА 4 НАФАРИ ОЛИЙ ЎҚУВ НУРТИ ТАЛАБАСИ БЎЛГАН.

Бекмурод АБДУМАННОПОВ, Қўрғонтепа туманидаги “Турон замин” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Хўш, қолганлар қаерда, улар нима билан банд, деган саволга жавоб изладим. Маълум бўлишича, 10 нафар қиз турмушга чиқиб кетган. 60 нафарининг тенг ярми хорижда ишлаш аниқланди. Бу рақамлар мени сергак тортирди. Вазият шу тарзда давом этса, яқин 5 йилликда ҳудудимиз арзон ишчи етказиб берувчи маҳаллага айланб қолшидан хавотирга тушдим. Шу сабаб биринчи навбатда мактаб битирувчилари қизиқишини ўрганиш, уларга тўғри йўл кўрсатиш мақсадида ота-оналар ҳамда таълим муассасаси билан ҳамкорликни

йўлга қўйдик.

Ҳар бир йигит-қизга қизиқиши асосида ўқитувчи бириктирдик. Мактабда бепул ўқув курси ташкил этдик. 2023 йилда натижа яхшиланди. 70 нафар битирувчининг 40 фоизи талаба бўлди. Жорий йил бу кўрсаткични янада яхшиламоқчимиз. Шунингдек, ишсиз ёшларга кредит, субсидия ажратилиши ортидан уларнинг бандлигини таъминляймиз. Масалан, Жавлонбек Тиловолдиев 2-гурух ногирони бўлса-да, меҳнат ортидан ўзини ўзи банд қилган.

Сўхбатлашганимизда хонадониде иссиқхона ташкил этиш истагини билдирди. Унга субсидия асосида иссиқхона қуриб бердик. Биринчи йили бодринг, помидор етиштириб, 20 миллион сўм даромад олди.

Бундан ташқари, “Ёшлар дафтари”даги 20 нафар ёшга 15 сотихдан ер ажратдик. “Ўсиш нуқта” миз қишлоқ хўжалиги йўналиши бўлгани учун “Бир дала — бир маҳсулот” тамойили асосида иш ташкил этдик.

Маҳаллада бирорта бекорчи одамни учратмаймиз. Ҳамманин ўз юмуши бор. Шу боис сўнги 3 йил давомида ёшлар ўртасида ҳеч қандай жиноят содир



Диёрбек Ҳамидовга маҳалла биносидеги бўш турган хонани ажратиб бердик. Бу ерда ижара шартномаси асосида тикувчилик корхонаси ташкил этилди. Натижада 5 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.

этилмади.

Яқинда ташаббусим билан чекка ҳудудда жойлашган бўлишига қарамай, кўплаб замонавий қулайликларни ўзида жамлаган янги спорт машғулотлари ўтказиш зали ишга туширилди.

Хонадонма-хонадон ўрганишда ёшларнинг тадбиркорликка қизиқишини

аниқладик. Аммо бунинг учун жой муаммо. Ички имкониятни ишга солиб, масалани ҳал этяпмиз. Диёрбек Ҳамидовга маҳалла биносидеги бўш турган хонани ажратиб бердик. Бу ерда ижара шартномаси асосида тикувчилик корхонаси ташкил этилди. Натижада 5 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.



# Аукционда қатнашиб, ер олсам бўладими?

МЕНДА САВОЛ БОР...

— Мен бирор-бир йўналишда рўйхатда турмайман. Деҳқончилик учун “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, аукционда қатнашиб, ер олсам бўладими?

Дурбек ФАЙЗУЛЛАЕВ, Чортоқ туманидаги “Бешкапа” маҳалласи.

Нодирбек АБДУҚОДИРОВ, Ёшлар ишлари агентлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Юқоридеги қарорда 2024 йилда туман ҳокимликлари захирасидаги 60 минг гектар ер майдонини электрон онлайн аукцион орқали ижарага олувчи ёшларнинг тоифаси белгиланган. Унга кўра, “Темир дафтар”га киритилган оила фарзанди, “Аёллар дафтари”га киритилган аёллар фарзанди, “Ёшлар дафтари”, “Меҳр дафтари”га киритилган ёшлар, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган оила фарзанди, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш фуқаро, ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа органларига бириктирилган ва меҳнат миграциясидан қайтган ёшлар ерни ижарага олиши мумкин.



Бундан ташқари, боқувчисини йўқотган ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш, I ва II гуруҳ ногиронларининг соғлом фарзанди, ногирон бола парвариши билан шуғулланаётган ёш оила (эр-хотиннинг бири), ота-оналардан бири I ёки II гуруҳ ногирони, иккинчиси эса фаолиятини тўхтатган ҳолда беморга қарашга мажбур бўлган ёки ота-онаси I ёки II гуруҳ ногирони, табиий офатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етган ёшлар бу имкониятдан фойдалана олади.

30 сотихдан кўп томорқа ери бўлиб, ундан фойдаланмаётган ва аввал очик электрон танловларда ижарага ер олган ёшлар савдода қатнашишига йўл қўйилмайди.



Ўзбекистондаги  
208 та туман ва шаҳар  
Ободонлаштириш  
бошқармаларида  
ИЧКИ ЙУЛЛАРНИ САҚЛАШ  
хизматлари ташкил  
қилинади.



2024/2025 ўқув йилидан  
Ўзбекистонда  
ХУСУСИЙ КЛИНИКАЛАРДА  
клиник ординаторларни  
тайёрлашга рухсат этилди.



2023 йил якунлари бўйича  
аудиторлик ҳулуосасини  
топширмаган 110 ТА  
КОМПАНИЯ "IT Park"  
резиденти мақомидан  
маҳрум этилди.

СУД ҲУКМИ

# БЕБОШ ҲАҚИДАГИ ҚИЛМИШИ

Учкўприк туманида яшовчи Шоҳсанам Нормирзаева (исм-шарифлари ўзгартирилган) 2020 йилда оилaviй қелишмовчилик туфайли эри билан бирга ота уйига қайтиш келиши ва яшаш ҳақидаги шартномада отаси Валижон Латипов ва укаси Воҳиджон оиласи билан истиқомат қилишарди. Аммо орадан кўп ўтмай ота-ука ўртасида низо келиб чиқади.

Аброржон ОМОНОВ,  
жиноят ишлари бўйича  
Учкўприк тумани суди раиси.

Жангалга отаси Валижон Латипов аралашади. Аниқроғи, у кизининг тарафини олади. Оқибада Воҳиджон отаси ва отаси билан низога боради. Афсуски, орадан уч йил ўтса-да, ота-ўғил ўртасидаги совуқчилик кўтарилмайди. Охир-оқибат Воҳиджон оиласи билан бирга ховлидан чиқиб кетиб, Қўқон шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг бирида ижарада яшай бошлади.

Бироқ ҳаммаси шу билан якун топмайди, аксинча, 2024 йил 4 январь кўни мудхис жиноят содир бўлади. Ушбу кўни соат 11:30ларда Воҳиджон ота уйига келади.

– Ҳовлига кирсам, отам янги курилатган иморат олдида чиқиндиларни тўплаб қўйган экан. Мен уларни томорқага чиқариб ташладим. Аммо отам кўчага чиқаришимни айтиб, бақир-чақир қилиб, уришиб берди. Шундан сўнг қаттиқ жанжаллашиб қолдик, – дейди Воҳиджон Нормирзаев суд мажлисидаги кўрсатмасида.

Хуллас, ота-ўғилни кўни-кўшнлар мурасига келтиришди. Аммо ўғилнинг алами барибир босилмайди, аксинча, у ўзича ўч олиш ҳақида ўйлайди.

Бинобарин, у фарзали режасини амалга ошириш ниятида қоронғу тушишни кутади. Қолаверса, кўшни кишлоққа бориб, бир танишидан 10 литр ёнилги ҳам олиб қайтади. Бу орада – қош қорая бошлаган маҳал ҳоласи Дилбархон уларнинг уйига меҳмонга келади.

Кечкурун соат 19:30ларда отаси, отаси ва холаси ичкари уйда суҳбатлашиб ўтирган пайтда Воҳиджон ҳеч кимга билдирмай кўшни хоналар ва айвонга ёнилги сеипб чиқади-да, сўнг ёкиб юборади. Кейин у кўчага чиқиб, аммасининг ўғлига қўнғироқ қилади ва уйга ўт қўйганини айтади. Бир зумда

уйни аланга қолайди. Ҳатто қўшни ховлилардаги иморатлар ҳам ёнғин хавфи остида қолади. Шу чоғ қўшнлар зудлик билан туман факулодда вазиятлар бўлимига хабар беришади...

Факулодда вазиятлар бўлими ходимларининг тезкор саъй-ҳаракати билан ёнғин бартараф этилади. Бебош ўғил эса фарзли қилмиши учун қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлди.

Урни келганда шуну айтиш керакки, баҳолаш ҳулосасига кўра, ёнғин оқибатида В. Латипов 49 миллион 137 минг сўм миқдорда моддий зарар кўрган.

Яқинда Воҳиджон Нормирзаевнинг қилмиши жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман судида кўриб чиқилди. Суд уни Жиноят кодексининг 173-моддаси 2-қисми "б" банди билан айбдор деб топиб, 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Шунингдек, суд ҳукмида судланувчидан моддий зарарни ундирилиши ҳам белгиланди.

Бу воқеа ҳақида ўйлаганда, кўн-гилда турли хил фикр-мулоҳазалар туғилади. Албатта, Воҳиджоннинг фарзли қилмишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Аммо масаланинг иккинчи томони – ота бўлмиш Валижон Латиповнинг айби йўқ деган фикрдан йироқмиш. Нега деганда, ота – оиланинг устуни, рўзгорда юзага келадиган ҳар қандай низо мурасою мадора билан ҳал этиш, фарзандларининг аҳил-иноқ яшашини таъминлаш унинг зиммасидаги масъулияти вазифадир.

Оқоридда баён этилган воқеа мисолида айтадиган бўлсак, ота ва ука ўртасида қелишмовчилик келиб чиққанда В. Латипов оқилона йўл тутиб, низо бартараф этиш, фарзандларини аҳил-иноқ яшаш йўлларини кўрганда эди, табиийки, бу воқеа рўй бермасди.

Демак, бундан кўринадики, ҳар бир оиланинг аҳил-иноқ ва тотувлиги турли хил низо ва қелишмовчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, оила аъзоларининг бахтиёр яшашини таъминлашнинг муҳим шарт эканини унутмайлик.



Воҳиджон ҳеч кимга билдирмай кўшни хоналар ва айвонга ёнилги сеипб чиқади-да, сўнг ёкиб юборади. Кейин у кўчага чиқиб, аммасининг ўғлига қўнғироқ қилади ва уйга ўт қўйганини айтади.

# “Судга қатнаб, қимматли вақтимизни йўқотяғимиз”

“Зиёкор” маҳалласида иш бошлаганимда кўпроқ фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар бор эди. Фирибгарлар фуқаролар иншончига кириб, қарз олиб бермай кетган. Сода одамларнинг пластик карта рақамларини ўзлаштириб, пул ўтгизилган ҳолатлари қайд этилган.

Ойбек ДУВЛАНОВ,  
Шароф Рашидов туманидаги “Зиёкор” маҳалласи профилактика инспектори.



Шу боис дастлаб аҳолини фирибгарликнинг турли кўринишлари ҳақида хабардор этиш мақсадида тарғибот тадбирларини ўтказдик. Ҳуқуқбузарликдан жабр кўрган фуқаролар билан суҳбатлашиб, муаммоларини ҳал этиш чораларини кўрдик. Натижада фуқароларнинг фирибгарлар тузоғига тушиши кескин камайди.

Маҳалла осойишталиги ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш – асосий вазифамиз. Шу сабаб, профилактик тадбирлар орқали ҳар бир вазиятни “маҳалла еттилиги” аъзолари билан биргаликда хонадонлар кесимида ўрганилган. Биринчи навбатда, ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабр кўриш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини “маҳалла еттилиги” имкониятларидан фойдаланган ҳолда ҳал этилган.

Маҳалла фаоллари иштирокида нотинч оилалар яраштирилиб, спиртли ичимликка ружу қўйганларни тўғри йўлга қайтариш чоралари кўрилмоқда. Натижада тўртта оила яраштирилиб, беш нафар оила бошлиғи ичкиликдан қайтарилди.

Вояга етмаган ёшлар билан мунтазам шуғулланган. Улар учун маҳалла худудидида футбол, волейбол

ва компьютер тўғрақлари ташкил этилган. Ҳар икки ойда бир маротаба 4 нафар вояга етмаган ёшлар ҳарбий қисмларга олиб бораётиш. Улар ҳарбий қисмда яшаб, ҳарбийлар ҳаёти билан яқиндан танишмоқда. Бу лойиҳа ёшлар қалбига ватанпарварлик тўғриси шакллантиришга ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, аҳоли ўртасида ўтказилаётган ҳуқуқий, маънавий-маърифий тадбирлар маҳалламизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга ҳамда оилалар тинчлиги, ёшлар таълим-тарбиясида ота-оналарнинг дахлдорлик хиссини янада оширишга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Ушбу маҳаллада профилактика инспектори учун қўрилган хизмат уйида яшаётганим ва хизмат машина бўлгани учун туну кун тезкор чақируларга ўз вақтида етиб боришим. Бироқ ҳуқуқбузарларни суд қилиш жараёнида қимматли вақтимизни йўқотяғимиз. Чунки судланувчини судга олиб бориш ва олиб келиш бизнинг зиммамизга тушяпти. Натижада бир кунлик иш фаолиятимиз йўққа чиқяпти. Бу жараёнда маҳалла худудидида бирор жиноятчилик содир бўлса, ўз вақтида етиб келишимиз қийин.

Асосий жиноятлар тунги вақтда содир бўлади. Шу боис тунги навбатчилик вақтида профилактика инспекторларига қўшимча ходим бириктирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бирор жиноят содир бўлса, жиноятчини ушлаб, машинага солишим мумкин, лекин автомобилни бошқариш жараёнида жиноятчини ушлаб кетиш анча мушкул. Бу борада илгари “Маҳалла посбонлари” яши кўмакчи эди. Келгусида ана шу жиҳатлар эътиборга олинса, ишимиз ҳам, хавфсизлигимиз ҳам яхшиланарди.

Маҳалла фаоллари иштирокида нотинч оилалар яраштирилиб, спиртли ичимликка ружу қўйганларни тўғри йўлга қайтариш чоралари кўрилмоқда.



ҲОЛАТ

## Оиладаги можарога болаларнинг дахли йўқ

Ҳар бир жамият, ҳар бир оила бола тарбияси учун масъул. Бироқ беш кўл баравар бўлмаганидек, айрим оилаларда фарзанд тақдирига бефарқ тарбиясизга лоқайд ота-оналар учраб туради. Айрим ҳолларда бола оиланинг ўзлари “ўтиш” ёшида ўзгаршига юз тутаяди.

Нилуфар ИСОХОНОВА,  
Тошкент шаҳар ИИББ  
Ахборот хизмати бошлиғи.

Хозирги вақтда кўчадаги турли дилтортар, кўзни ўйнатадиган бренду тренд нарсалар ҳам уларнинг тушунчаю феъллини ўзгартириб юбормоқда. Кимнингдир шароити бор, кимникидир оддий телефон олишга ҳам кўриб етмайди. Бола эса бундан ўқсийди. Ота-онаси билан кўнгли қолади, тушунмовчиликлар ортидан, ҳатто уйдан қочиш кетади.

Тошкент шаҳар ИИББ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ана шундай тарбияси оғир, давлат ва жамоатчиликнинг ёрдамига муҳтож, уйдан қочган ёки ота-онасини йўқотган, назоратсиз ва қаровсиз қолдирилган болаларни қабул қилади. Бу ерда уларнинг соғлиғи текширилади, психологлар ёрдамида ҳар бирининг шахсий портрети шакллантирилади. Оиласи, қизиқишлари ўрганилиши, имкониятлари

чегарасида тегишли машғулларга жалб этилади.

Марказда турли спорт секциялари, шахмат-шашка, робототехника, “IT” хоналари, тикув-бичув тўғрақлари фаолият юретади. Бу ерда ҳар бир бола ўз қизиқишлари бўйича шуғулланиш имкониятига эга. Шинам ва ёруғ ётоқхоналар, кутубхона, ошхона, спорт заллари туну кун болажонлар хизматида.

– Марказимизда нафақат болаларни тарбиялаш, ўқитиш, балки уларни, яъни ота-онасиз қолганларни оилага бериш масаласи ҳам мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ҳал этилади, – дейди Марказ бошлиғи ўринбосари, капитан Зафар Исроилов. – Оилага жойлаштирилгани масъулият соқит қилинди, дегани эмас. Тез-тез хабар олиниб, тарбия, муомала жараёнлари узлуксиз назорат қилинади. Зарурий педагогик, психологик ёрдам кўрсатилади. Мазкур даргоҳда болаларнинг жисмоний ҳамда маънавий ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Марказга нафақат пойтахт, вилоятлар, баъзан кўшни давлатлардан ҳам вояга етмаганлар қабул қилинади. Чет давлат-



ларга ишлаш учун бориб, у ерда айрим сабабларга кўра саломатлигини йўқотиш ёки вафот этиш оқибатида болаларнинг қаровсиз ёки ёлғиз қолиши ҳолатларида улар юртимизга олиб келинади.

– Амалиётимизда қиз ёки ўғил болаларни асраб олгани, аммо бирмунча вақт ўтиб, тарбиясини эллай олмай, қайтариб олиб келгани ёки боланинг ўзи қочиб келган мисоллар ҳам йўқ эмас, – дейди Зафар суҳбатни давом эттирар экан. – Албатта, ҳар бир бола оилада, ўз ота-онаси қучоғи-

Марказда турли спорт секциялари, шахмат-шашка, робототехника, “IT” хоналари, тикув-бичув тўғрақлари фаолият юретади.

ясида нафақат оналар, балки оталар ҳам фаол иштирок этиши шарт. Айниқса, ўғил болалар тарбияси билан вевосита оталарнинг ўзи шуғулланиб, балогат ёшидаги инқирозларни енгиб ўтишида фарзандларига елкадош-сирдош ота бўлишлари тавсия этилади.

Болаларнинг яшаш шароитларини ўрганар эканмиш, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлганлар, кам таъминланган, ёлғиз ўзи тарбиялаётган оилаларга ҳам ёрдам кўрсатамиз. Бу хайрли ишлар ҳокимлик, ИИББ ва бошқа ҳамкор ташкилотларнинг доимий эътиборида.

Тарбияси оғир, жиноятга мойил деб топилганларнинг келгуси тақдирини ҳам бефарқ қаралмайди. Улар бу ердан чиққач, маҳалла профилактика инспектори, фаоллар, ёшлар агентлиги ходимларига бириктирилади. Ўрганиш ҳулосаларига кўра, меҳрибонлик уйлари, иختисослаштирилган мактаб-интернатларига жойлаштирилганларнинг кейинги ҳаётлари ҳам кузатувга олиниб, назорат ўрнатилади.

Марказ ҳаёти бир сония тинмайди. Ходимлар доим ҳаракатда. Ҳолбуки, ҳар бир боланинг кейинги тақдирига ҳеч ким бефарқ эмас. Шу боис мазкур даргоҳдаги барчанинг диққат-эътибори боланинг бугунги кўнига эмас, ўнлаб йиллар олдинга қаратилган.



Янги қонун лойиҳасига кўра, МИКРОМОЛИЯ БАНКЛАРИ ИНСТИТУТИ жорий этилади.



Пахта майдонларини томчиладиб сўғоришда "TARTEKSAN" ТЕХНОЛОГИЯСИ синовдан ўтказилади.



Маҳаллаларда 8,7 трллон сўмлик 220 минг 318 та иш ўрнига эга бўлган МИКРОЛОЙИҲА ишга туширилган.

КЎМАК

Далда ва кўмак янанига туртки бўлди

Корақул тумани "Хўжақон" маҳалласида яшовчи 2-гурӯх ногиронлиги бўлган Ҳикмат Бобомуродов 24 йил маданият соҳасида фаолият юритган. Фалокат оёқ остида деганларидек, чакка ўтишини бартарарф этиш учун томга чиққан Ҳикмат ака у ердан йиқилиб тушади.

Шу бўйи гоҳ шифохонада, дам ўз уйда 8 ой тўшака михланиб ётиб қолади. Бу орада ишдан бўшашга ҳам мажбур бўлади. Оёқ суяклари жароҳати оғир бўлгани боис, деярли 10 йил ҳассага суяниб юради. Лекин турмуш ўртоғининг далдаси ва тўрт фарзандининг кўмаги билан яшаш учун ўзида куч топа олди.

Яқинда, аниқроғи, шу йилнинг июль ойида у тумандаги «Инсон» ижтимоий хизматлар марказига ишга жойлаштириш тўғрисида мурожаат қилди. Бундан қарангки, орадан ҳафта ўтмай унинг мурожаати ижобий ҳал қилиниб, туман ҳокимлиги, ташкилотлар билан ҳамкорликда Маданият марказига ишга жойлаштирилди. Ҳозирда 10 нафар шоғирдларга мусиқа сирларини ўргатиб келаётган Ҳикмат ака «Инсон» маркази ҳузурда янги ансамбль тузишни ҳам ният қилган. Нафақасига қўшимча равишда олаётган маоши ҳам оиласининг моддий таъминотини яхшилашга хизмат қиляпти.



САЛОМАТЛИК ТИКЛАНЯПТИ, ИМКОНИАТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ ШАРТНОМАГА МУВОФИҚ ҚИСҚА ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ СТАЦИОНАР ВА КУНДУЗГИ ҚАТНОВ ШАКЛИДАГИ ИЖТИМОЙ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КўРСАТИБ КЕЛМОҚДА.

Турғунбой ЖАКБАРОВ:

— Энг аввало, мени бу ердаги нархларнинг арзонлиги ҳайрон қолдирди. Хоналардаги шароит, хизмат кўрсатиш, ҳаммаси аъло даражада. Келганимдан жуда хурсандман. Соғлигим аввалгига қараганда анча яхшиланди.

Венера НУРЛИЕВА:

— Биз ижтимоий ходим тавсиясига кўра келиб ва ташрифимиздан мамнунмиз. Турмуш ўртоғим авваллари яхши юролмасди. Реабилитация хизматларидан сўнг ўзгартирилди катта. Ўзи бемалол ҳаракатланишни бошлади. Курсатилётган бу турдаги хизмат аҳолининг саломатлигини тиклаш ва имкониётларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Эшик очсанг, умид билан тикилади ҳар бир нигоҳ

Мўътабар СОАТОВА, Яққабғ туманидаги "Оқтош" ва "Янгиобод" маҳаллалари ижтимоий ходими.

Эркак кун-кунора ичиб келиб, уйда жанжал кўтарарди. Баъзан аёл, баъзида болалар мушт остида қоларди. Фарзандлар қалбини қўрқув ва ваҳима эгallaб олган. Она уларни асраб-авайлаш учун қанча ҳаракат қилмасин, бунинг уддасидан чиқмади. Ўғли юрولмай ногирон бўлиб қолди. Қизининг руҳиятида жиддий ўзгаришлар рўй бера бошлади.

Бу шароитда ортқ яшаб бўлмастлигини тушунган аёл болалари билан бирга ижарага чиқиб кетишга мажбур бўлди. Шундан сўнг туман тиббиёт бирлашмасида тозалик ходимаси лавозимга ишга кирди. Хатлов жараёнида ногирон ўғлининг махсус аравага эҳтиёжи борлиги аниқланиб, тез фурсатда бу масалани ижобий ҳал қилдик.

Бундан ташқари, аёлга болалар нафақаси ҳамда ногирон парваришлаётгани учун нафақа тайинланди. Фарзандлари учун алимент тўловини ундириш бўйича ариза киритдик. Айни вақтда маҳалла ходимлари ва яқин қариндошлари унга ҳар жиҳатдан кўмак бериб келяпмиз.

Шундай оилаларга имкон қадар кўпроқ ёрдам бергим келади. Уларнинг дарду ташвишини ўзимникидек қабул қиламан. Айримлари билан соатлаб сўхбатлашиб ўтиришга ҳам эринмайман. Мухими, далда бўлсам, бирор мушқулини осон қилсам бўлгани.

Маҳфуза опа Қодированиннг айрим сабабларга кўра турмуши ўхшамасди.

Қизини узатгандан кейин ёлғиз ўзи қолди. Хатлов жараёнида уй юмушларида ёрдамчи кераклиги маълум бўлган, ижтимоий ходим ассистенти бириктирилди. Соғлигида муаммолари борлиги сабаб маҳалла ходимлари билан тез-тез хабар олгани бориб турадим.

Фаолиятим давомида 5 та кейс очиб, фуқароларнинг турли муаммоларига ечим топишда кўмаклашдик. Бир аёл турмушидан ажришиб, 2 нафар фарзандини онасига қолдириб қайта оила қуради. Болаларга бувисини расман васий этиб тайинладик. Шундан кейин улларга нафақа пули бериладиган бўлди. Маҳалла ва ҳомийлар доимий равишда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу оила бир хонали ижтимоий ётоқхонада истиқомат қилади. "Саховат ва кўмак" жамғармасидан ёрдам олиб, эшик ва деразаларини алмаштириб беришни режалаштирганмиз. Бундан ташқари, катта набирасини инглиз тили ва математика фанидан бепул тўғаракка жалб қилмоқчимиз. Боғчага борадиган набираси тўловни



Шундай оилаларга имкон қадар кўпроқ ёрдам бергим келади. Уларнинг дарду ташвишини ўзимникидек қабул қиламан. Айримлари билан соатлаб сўхбатлашиб ўтиришга ҳам эринмайман. Мухими, далда бўлсам, бирор мушқулини осон қилсам бўлгани.



Худудимиздаги ҳар бир оила ўз яқинларимдек бўлиб қолган. Кимга қандай маслаҳат, йўл-йўриқ керак бўлса, бемалол келиб мурожаат қилади.

50 фоиз чегирма билан амалга оширяпти. Худудимиздаги ҳар бир оила ўз яқинларимдек бўлиб қолган. Кимга қандай маслаҳат, йўл-йўриқ керак бўлса, бемалол келиб мурожаат қилади. Уртадаги самимий муносабат, дўстона муҳит қўллаб муаммоларни ижобий ҳал қилишга замин яратмоқда. Айрим оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган фуқароларнинг ҳужжатлар жалб боғлиқ муаммолари мавжуд. Кимдир паспортини

йўқотган ёки янгилаши керак. Баъзилар гарчи ногирон бўлса-да, тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси талабларига номувофиқлиги сабабли ногиронлик гуруҳига чиқарилмаган. Шундай вазиятларда маҳалла ёки "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ҳолат бўйича далолатнома расмийлаштириб, шу асосида керакли хизматлар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўларди. Одамларнинг кўмак ва ёрдамимиздан умиди катта.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги қатор давлат идоралари билан ҳамкорликда ногиронлиги бўлган шахслар учун "vacancy.uz" платформасида эълон қилинган бўш иш ўринлари кўп сонли оилалар моддий турмушининг яхшиланишида, жамиятдан узилиб қолган аҳоли қатламининг янада фаоллашиб, ўз ўрнини топишда муҳим аҳамият касб этяпти.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси матбуот хизмати.

ТАНЛОВ

ҚАЙСИ ТАДБИРКОРНИНГ МАҲАЛЛАГА КўПРОҚ ҲИССАСИ ТЕГЯПТИ?

Мустақил.и.ш.имизнинг 33 йиллиги муносабати билан "Бизнесни ривож.ланштириш банки" АТФ ва Ўзбекистон маҳалла.лари уюшмаси ҳамкор.лиг.да "Маҳалла тараққиёти учун энг яхши бизнес.лойиҳа" Респуб.лика кўрик.таиловиш.и ўтказилди.

Ким кўпроқ маҳаллада янги иш ўрни яратяпти? Қайси тадбиркор аҳоли даромадларини оширишга ҳисса қўяпти? Кимнинг корхонаси маҳалланинг ўзидан экспортни йўлга қўйган? Қайси бизнес эгаси маҳалладаги эҳтиёжмандларга кўмак беряпти? Булар — танлов мезонлари, иштирокчилар айнан шу жиҳатлари билан баҳоланади. Танловнинг Навоий вилояти босқичи қизғин ва кўтаринки руҳда ўтди. Унда қатнашчилар ўзларининг тадбиркорлик йўналишлари, маҳалладаги жараёнларда қай даражада иштирок этаётгани, қанча иш ўрни яратганини маҳалладан кимларни ишга олгани ҳақида маълумот берди.

Яқуний натижаларга кўра, "Дилором дўром текстиль" МЧЖ биринчи ўринни, "Қоровултепа замонавий мебеллари" МЧЖ иккинчи ўринни, "Муртазо муҳаррам" оилавий корхонаси учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, "Энг намунали кредит тўловчи", "Энг фаол аёл тадбиркор", "Энг ёш тадбиркор", "Энг салоҳиятли тадбиркор" номинациялари бўйича фойлилар аниқланди.

"Маҳалла тараққиёти учун энг яхши бизнес лойиҳа" Республика кўрик-танловининг Самарқанд вилояти босқичида худуддаги фаол тадбиркорлар қатнашди. Унда Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, "Авантаге Про" МЧЖ — биринчи, "Ибрагимов Шарофиддин Сайфудинович" ЯТТ — иккинчи, "Тритон санот курилиш сервис" МЧЖ — учинчи ўринга муносиб кўрилди. Ғолиб ва совриндорлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Танловнинг Қашқадарё вилояти босқичида 61 та ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишларда самарали фаолият юритаб келаётган тадбиркорлик субъекти қатнашди. Яқуний натижаларга кўра, "Саховат-1998" МЧЖ биринчи ўринни эгаллади. Ундан кейинги поғоналарни "Leaders Jalolovich F and F" МЧЖ ҳамда "Muhandis stroy tamir" МЧЖ кўлга киритди.

Маълумот учун, 1-ўринни қўлга киритган "Саховат-1998" МЧЖ оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастури доирасида 33 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, текстиль маҳсулотларини



Маълумот учун, 1-ўринни қўлга киритган "Саховат-1998" МЧЖ оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастури доирасида 33 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, текстиль маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйган.

ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйган. 2024 йилнинг 1-чорагида 32 нафар ишсиз аҳолининг жумладан, 3 нафар "Аёллар дафтари", 10 нафар ногиронлиги бўлган хотин-қизнинг доимий бандлигини таъминлаган. Бугунги кунда тадбиркорнинг тайёр кийим-кечак маҳсулотлари республиканинг турли

худудларига етказиб берилмоқда. Танловнинг Сурхондарё вилояти босқичида ғолиб ва совриндорлари аниқланди. Унга кўра, "Dream's Shahrinaz" оилавий корхонаси биринчи, "Саодатхон Денов Текстиль" УК иккинчи, "Хунармандлик" МЧЖ учинчи ўринга муносиб кўрилди.



**“ДЭВИС КУБОГИ”:**  
Ўзбекистон – Эстония  
терма жамоалари  
ўзаро рақобатлашади.



Ўзбекистон  
футбол ассоциацияси  
34 нафар мураббий ва  
футболчига ҚАТЪИЙ ЧОРА  
(четлатиш) кўрди.



**Спорт вазирлигига олти ойда  
КОРРУПЦИЯ  
ФАКТЛАРИГА ДОИР  
47 та муурожаат  
келиб тушган.**

8

№45 | 2024 йил 8 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

Mahalla

МАНЗАРА

# Никоҳ шартномаси АЁЛЛАР МУШКУЛИНИ АРИТАДИМИ?

*Ажралиш ёқасида турган оилани муросага келтириши анча мушкул иш. Бу ҳуқуқий ва психологик билим ҳамда тажриба талаб қилади. Оилани ҳар бир аъзоси билан феъл-авторидан келиб чиқиб суҳбатлашни жуда мушкул. Колаверса, муаммони юзага келтирган сабабни топиши учун кичик деталларга ҳам эътибориш бўлиши керак. Хотин-қизлар фаоли қанчалар зиёрат бўлса, масалага ижобий ечим топиши шунча осон кечади.*

**Гулчеҳра ҚУРБОНОВА,**  
**Сергеи туманидаги**  
**“Бирдамлик” маҳалласи**  
**хотин-қизлар фаоли.**

Бундан бир йилча аввал маҳалламиздан Тошкент вилоятига узатилган келин аразлаб ота уйига қайтиб келди. Кўлида эндигина туғилган гўдак. Кўзлари тўла ёш. Ҳеч ким билан гаплашгиси келмайди. Бироз ўзига келиб олишини кутдик. Ҳолидан тез-тез хабар олиш асносида билдикки, ажралиш учун жиддий асос йўқ. Озгина туртки билан оилани яраштириб қўйса бўлади.

Куда тароф билан учрашиб, ёшларни бахтли яшашига яна бир имкон беришига келишдик. Кунни кеча келинни ўз уйига қузатиб қўйдик. Ҳамма хурсанд, айниқса, ота-онанинг бевозта кўнгли анча таксин топди. Хатога йўл қўйганлар камчилигини тушуниб етишди. Энг муҳими, фарзанд тўла-тўқис оилада улғаядиган бўлди. Аслида мақсадимиз ҳам шундан иборат эмасми?..

Йил бошидан буён 8 та шундай оилаларни яраштиришга эришдик. Маҳалла ходимлари билан доим сергак туришига ҳаракат қиламиз. Қайсидир хонадонда овоз баландроқ кўтарилиб қолса, дарров хабар олгани борамиз. Муаммо чўқурлашиб кетмасидан аввал ҳал қиламиз.

Маҳалла тизимида ишлаш, фуқароларнинг кўнглига йўл топиш учун тинимсиз ишлаймиз. Гарчи ёшим эллиқдан ошган бўлишига қарамай, олий таълим муассасасида таҳсил оляпман. Ўрганганларим фаолиятимда асқатишига ишонаман.

Худудимиздаги бошқа қизларни ҳам ўз устида ишлаш, билим олишга ўндаймман. Хусусан, жорий йилда 6 нафар хотин-қизга олийоғоҳга кириши учун тавсиянома бердик. Берилган имконият ва маҳалланинг қўлаб-қувватлаши аёлларнинг ўзига бўлган ишончини янада оширмоқда. Аслида ўқининг эрта-кечи бўлмайди. Шунинг учун уйда беқор ўтирган ола-сингилларимизга касб-хунар ўрганиш курслариға боришни таклиф

қилипмиз. Улар орасида тахсилни тамомлаб, мустқил иш бошлаб юборганлари ҳам бор. Айримлари тикувчилик корхоналарида тажриба оширяпти.

“Аёллар дафтари”га киритилган 14 нафар хотин-қизга субсидия асосида тикув машиналари берилди. Чаққон ва тиришқоқ аёллар даромад топишни бошлади.

Шаҳноза Бобоева ташкил этган тикувчилик корхонасида 8 нафар аёлнинг бандлиги таъминланган. Улар буюртма асосида ҳамда бозорда турли хил кийимлар тиқиб сотади. Фаолиятини бошлаганига 8 йилдан ошган бу тадбиркор доимий изланишда. Янгидан-янги кўринишдаги лисоблар билан миқозлар кўнглига йўл топишни билади.

Ҳаловат Бўроновани боқувчисини йўқотганлиги сабабли “Аёллар дафтари”га киритдик. 5 нафар фарзанднинг моддий таъминоти унинг зиммасида. Хонадонига борганимизда тадбиркорликни бошлаш истагини билдирди. Бунга имкон яратиб бериш мақсадида уйига яқин ердан жой ажратиб берилди. Ҳозирги кунда тикув машиналарини ижарага олиб, фаолиятини йўлга қўйган. 7 нафар хотин-қизнинг даромад топишиға хиссасини қўшиб келмоқда. Миллий услубдаги кийимларни тез орада чет давлатларга экспорт қилишни режалаштирган.

Аҳоли билан ишлаш жараёнида турли вазият ва ҳолатларға гувоҳ бўламиз. Айниқса, ажралишдан кейин кўпчилик аёллар 3-4 нафар боласини етаклаб ота уйига қайтиб боришади. Бу уйдаги келинға ёқмаслиги табиий. Қарабсизки, ўртада можаро юзага келади. Фарзандлар руҳиятида тушқунлик пайдо бўлади. Аёл бошқа борадиган жойи йўқлигидан имконсиз қолади.

Шундай ҳолатларни олдини олиш учун турмуш қуришдан аввал келин ва кўёв ўртасида никоҳ шартномасини тузиш тартибини йўлга қўйишни таклиф қилган бўлардим. Бир неча йилдан буён бу таклиф илгари сурилаётгани билан ҳали амалда ўз тасдиғини топгани йўқ. Шу масалани жиддийроқ ўйлаб кўриш вақти келди, назаримда.



“Аёллар дафтари”га киритилган 14 нафар хотин-қизга субсидия асосида тикув машиналари берилди.



Куда тароф билан учрашиб, ёшларни бахтли яшашиға яна бир имкон беришиға келишдик.



ТАҲЛИЛ

## ЭРТА УНАШТИРУВ: ҳуқуқларнинг паймол бўлиши, тушқунлик ва носоғлом болалар...

Миллий урф-одатларимизга кўра, никоҳ тадбирларидан олдин “унаштириш маросими” ўтказилади. Одағда бу маросимдан кейин никоҳгача кўши билан олти ойгача кутилади. Яъни, 16 ёшдан қиз унаштириладиган бўлса, катта эҳтимол билан вояга етмасдан олдин турмушга узатилади.

**Нилуфар ЮНУСОВА.**

Аммо, сўнгги пайтларда вояга етмаган ёшларни унаштириб қўйиш натижасида уларнинг Конституциянинг 21-моддасида мустаҳкамланган “ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқини таъминлаш”га салбий таъсир кўрсатиляпти. Эрта унаштириш қизни турмуш ўртоқ танлаш ҳуқуқидан ва ўз ҳаётиға оид қарор қабул қилиш эркинлигидан маҳрум қилади. Шунингдек, мазкур ҳолат қизларнинг таълим олишини муддатидан олдин тугатишиға ёки давом эттириш олимаслиғига олиб келади.


Судлар тақдим этган

маълумотларға кўра, 2023 йил давомида республика буйича “никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни ёки никоҳ тузиш тартибини бузиш” маъмурий ҳуқуқбузарлиги (МЖК, 473-модда) билан боғлиқ бўлган жами 25 та ҳолат аниқланган. 40 нафар шахс жавобгарликка тортилган. Ушбу ҳолатлар кўпроқ Фарғона (6), Хоразм (4), Тошкент (4) ҳамда Қашқадарё (4) вилоятларида кўриб чиқилган.

**Иجتимой тадқиқотлар натижаси қандай?**

Иجتимой тадқиқот натижаларига кўра, эрта турмушга чиққан келинларнинг 70 фоизи эрта никоҳнинг асосий сабабчиси сифатида ота-онани ва оила аъзоларини кўрсатган. 26 фоиз иштирокчи бу ҳолатни севги-муҳаббат билан изоҳлаган. 3,4 фоизи бу хомила билан боғлиқ

бўлганини, 1,5 фоизи эса ёш эрга тегишиға диний қарашлари сабаб бўлганини билдирган. Эрта турмуш қуриш оқибаотида 38,2 фоиз ўсмир қизларнинг соғлиғи, 22,9 фоизда ота-онани ва бошқа оила аъзолари билан муносабатлари ёмонлашган. 25,2 фоизи иқтисодий қийинчиликларға дуч келган. Эрта турмуш қуриш ёшида ўсмирлар мактаб, коллеж ёки лицейда ўқиётган бўлади. Шундан келиб чиқиб, респондентларға “Оила қурганингиздан кейин ўқишингизни давом эттиришнинг маълум қилган. Иштирокчиларнинг 25,6 фоизи руҳини давом эттиришға эри муҳаббат бермаганини, 17,1 фоизи ўқишни давом эттиришни ўзи



2023 йил “никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни ёки никоҳ тузиш тартибини бузиш” маъмурий ҳуқуқбузарлиги билан боғлиқ бўлган жами 25 та ҳолат аниқланган.

хохламаганини, 13,3 фоизи эса қайнона ёки қайнотаси қарши бўлганини айтган.

Янги муҳитдаги руҳий ва жисмоний зуриқиш, ҳали бола бўла туриб, оналик масъулиятини зиммасиға олиш, келажақда турли гинекологик касалликлар, оилавий ажралиш, носоғлом фарзандлар – буларнинг барчаси эрта турмуш олиб келадиган салбий оқибатлар. Тиббий маълумотларға кўра, 20 ёшдан кичик бўлган ҳомилдорлар орасида 30 фоизгача ҳомиланинг яхши ривожланмаслик ҳолатлари аниқланмоқда.

**Қандай чора қўллаган маъкул?**

Ҳеч қайси ота-она фарзандини бахтсиз бўлишини истамайди. Аммо эрта унаштиришнинг олдини олиш учун ҳамжиҳатликда иш олиб борилмас экан, бу иллат авж олиши ва унинг ортидан хатарларнинг ошиши таъин.

Бунинг учун, авваломбор, мактабларда қизлар ва йигитларни ҳаётға тайёрлаш борасида тизимли ва манзилли ишларни оммалаштириш зарур. Бунда ўсмирлар билан

суҳбатларға тажрибали психологлар, оилашуносларни жалб қилиш керак. Тарбиявий соат ҳамда маънавият соатларида эрта никоҳ ва эрта туғруқнинг салбий оқибатлари мавзусида тренинглар ташкил қилиб, уларда барча ўсмир қизлар иштирокини таъминлаш лозим.

Соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда худудларда юзага келган ва ҳали-ҳануз амал қилиниб келинаётган, инсон саломатлиғига салбий таъсир кўрсатувчи урф-одатлардан воз кечишға қаратилган манзилли тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш зарур. Масжид имомлари эрта унаштириш ҳолатларининг дин таомиллариға зид эканлигини тушунтириши ҳамда эрта никоҳларни олдини олиш масаласида фақатгина аёллар эмас, балки эркаклар орасида ҳам тегишли профилактик тушунтириш тадбирларини ҳаётға тайёрлаш борасида тизимли ва манзилли ишларни оммалаштириш зарур. Бунда ўсмирлар билан



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг иجتимой-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:  
Бахтиёр АБДУСАТТОВ  
Дизайнер:  
Абдулазиз АҲМЕДОВ  
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «МАHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ  
Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани «Лашкарбеги» МФЙ, Мустқиллик шоҳ кўчаси 59-уй.  
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани, Буюқ Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчами – 380x587, 4 б.т. 8 150 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-820

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.